

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси  
билан Эрон Ислом Республикаси божхона маъмурияти ўртасида  
божхона чегаралари орқали ҳаракатланган товарлар ва  
транспорт воситалари ҳақида божхона ахборотларини электрон  
алмашиш тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Эрон Ислом Республикаси Божхона маъмурияти (кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталади),

1999 йил 12 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона маъмуриятлари ўртасида ўзаро кўмак кўрсатиш тўғрисида Битим қондаларига асосан,

Томонлар давлатларининг божхона чегаралари (кейинги ўринларда “Чегаралар” деб аталади) орқали ҳаракатланган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назорати самарадорлигини ошириш заруриятини тан олиб,

савдони соддалаштириш учун қулай муҳит яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида,

Томонлар давлатларининг экспорт, импорт ва транзит тўғрисидаги миллий божхона қонунчилигига асосан, савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожланишида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилишга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида англашувга эришдилар:

### **1-параграф**

1. Томонлар, бир Томон давлати ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган ва бошқа Томон давлати ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар ва транспорт воситаларининг экспорти ва транзитининг божхона расмийлаштируви тўғрисидаги ахборотлар (кейинги ўринларда “ахборот” деб аталувчилар) алмашинувини ташкил қиладилар ва уни мунтазам равишда амалга оширадилар.

2. Томонларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланган техник шартлар тўғрисида келишувларга асосан, ахборот алмашиш халқаро стандартларга мувофиқ реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Томонлар ўз ваколатлари доирасида ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ ахборот алмашадилар.

## 2-параграф

Томонлар чегарадан ўтган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга оширишда таҳлил қилиш ва хавфларни бошқариш усуллари қўллаш асосида ахборотлардан фойдаланишни таъминлайди.

## 3-параграф

Мазкур Меморандум қоидаларига асосан Томонлар ўртасида олинган маълумотлардан унда белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва маълумотларни тақдим қилган Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи Томонга берилмайди, Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигида маълумотларни тақдим қилиш билан боғлиқ белгиланган ҳолатлар бундан истисно. Башарти бундай ҳолларда, маълумотни учинчи томонга юбориш ва уларнинг сабаблари бошқа Томонга ёзма равишда хабар қилинади.

## 4-параграф

Томонлар келгусида қуйидагилар бўйича ахборот алмашувнинг техник шартларини ишлаб чиқадилар ва келишадилар:

а. Электрон маълумотларни юбориш механизмига техник хизмат кўрсатиш ва унинг мониторингини амалга оширишга жавобгар бўлган таркибий тузилмаларнинг масъул шахслари рўйхатини шакллантириш;

б. ахборот алмашув протоколини белгилаш;

с. бериладиган ахборотлар таркибини, тузилишини, шаклини ва ахборот узатиш тартибини белгилаш, шунингдек зарурий таснифларни ишлаб чиқиш ва келишиш;

д. ахборот хавфсизлиги талабларини белгилаш;

е. аниқ миқдордаги товарлар ва транспорт воситаларига боғлиқ равишда бериладиган маълумотларга товарлар ва транспорт воситаларини идентификациялаш усуллари мувофиқлаштириш;

ф. мазкур Меморандум қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар.

г. Юқоридаги масалалар бўйича тафсилотлар алоҳида тасдиқланадиган техник ҳужжат билан келишилади ва тасдиқланади.

## **5-параграф**

1. Мазкур Меморандумни амалга ошириш мақсадида Томонлар, ахборот алмашиш технологиясини ишлаб чиқиш учун ахборот алмашиш бўйича синов ташкил қиладилар ва амалга оширадилар.

2. Томонлар синовнинг бошланиш вақти ва зарур тадбирларни амалга ошириш муддатларини белгилаганларидан сўнг, улар зарур ташкилий ва техник тадбирларни амалга оширадилар ва синовни бошлашга тайёр эканликлари ҳақида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

3. Чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтиши ҳақида бериладиган ахборот алмашиш бўйича синов олти ой мобайнида амалга оширилади. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан синов ўтказиш муддати узайтирилиши мумкин.

## **6-параграф**

Синов натижалари асосида Томонлар, божхона чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтиши ҳақида ахборот алмашишни доимий равишда ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

## **7-параграф**

Мазкур Меморандум қоидаларини амалга ошириш мақсадида Томонлар маслаҳатлашувлар ўтказадилар ва чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтиши ҳақида ахборот алмашиш учун зарур бўлган ахборот материалларидан ва лойиҳа ҳужжатларидан маълумотларни бир-бирларига фойдаланиш учун тақдим этадилар.

## **8-параграф**

Мазкур Меморандумга Томонларнинг ўзаро келишуви ва ёзма розилиги асосида ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар ёзма равишда амалга оширилади ва Томонлар имзолаган санадан бошлаб кучга киради.

## 9-параграф

Мазкур Меморандум қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган низоларни Томонлар дипломатик каналлар орқали музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал қиладилар.

## 10-параграф

1. Мазкур Меморандум у имзоланган санадан кучга киради.

2. Мазкур Меморандум номуайян муддатга тузилган бўлиб, Томонлардан бири бошқа Томонга унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали уни тугатиши мумкин.


Мазкур Меморандум бундай ёзма хабарнома олинган санадан уч (3) ой ўтгач тугатилади.

3. Мазкур Меморандум тугатилгач, башарти Томонлар ўзгача келишмасалар, у амалда бўлган даврда амалга оширилаётган тадбирлар тўхтатилиши лозим.

Муқаддима ва 10 параграфдан иборат мазкур Меморандум Самарқанд шаҳрида 2022 йил 14 сентябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, форс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси  
томонидан



Эрон Ислам Республикаси  
божхона маъмурияти  
томонидан

